

Э.Ф.ФОЗНЕР

СОЦИАЛ
ПСИХОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети

Э.Ғ.Ғозиев

СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ

Ўқув қўлланма

«NOSHIR»
ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 159.9 (072)

КБК 88.5

Тақризчилар:

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети умумий психология кафедраси мудури, психология фанлари доктори, профессор

Н.С.Сафоев;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

З.Э.Абдурахмонова

Ғозиев Э.Ғ

Ғ 57 Социал психология: Э.Ғ.Ғозиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети – Тошкент: Noshir, 2012. – 316 б.
ISBN 978-9943-4084-8-8

Мазкур китоб социал психология масалаларига бағишланган бўлиб, унда психология фанининг ушбу соҳасида олиб борилган назарий-экспериментал тадқиқот натижалари таҳлил қилинган ва умумлаштирилган. Китобда шу соҳанинг мақсади, вазифалари, аҳамияти, принциплари, механизмлари, қонуниятлари, методологияси, феноменал ҳолатлари тўғрисида мулоҳазалар билдирилган. Соҳага доир узоқ ва яқин хориж мамлакатлари психологларининг назариялари, ёндашувлари талқин қилинган, ўзига хос жиҳатлари алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Китоб саккиз қисмдан иборат бўлиб, унда социал психологияга кириш, муомала, катта гуруҳлар тўғрисида тушунча, бошқарув психологияси, оила психологияси, социал психологияда феноменал ҳолатлар, кичик гуруҳлар психологияси, социал психологиянинг татбиқий жабҳаси юзасидан фикр, мулоҳаза баён қилинади. Шунингдек, шахс камолоти, гуруҳ жипслигини аниқловчи методикалар, тестлар иерархик тарзда жойлаштирилган.

Китоб психологлар, социологлар, философлар ва педагогларга, шунингдек, талабаларга мўлжалланган.

УДК: 159.9 (072)

КБК 88.5

ISBN 978-9943-4084-8-8

© «Noshir» нашриёти, 2012 й.

СЎЗ БОШИ

Социал психология фанининг жамиятдаги, шахслараро муносабатдаги ўрни, аҳамияти кун сайин ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, мазкур соҳа бўйича тўқисроқ материаллар билан талабаларни, амалий психолог ва кенг кўламдаги оммани таништириш, қуроллантириш давр тақозосидир. Худди шу боис социал психологияга оид материалларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, психологик муаммоларга ҳам моддий, ҳам ғоявий нуқтаи назардан ёндашишни амалга ошириш янгича муносабатни акс эттиришдан далолатдир. Ушбу услубий кўрсатмаларнинг мақсади – талабаларни дастурий хусусиятга эга бўлган материаллар билан қуроллантириш ва касбий-психологик тайёрлашдир. Унинг вази-фалари: социал-психологик терминлар изоҳи билан таништириш, илмий тушунчалар таърифи билан қуроллантиришга йўналтириш, социал психология фанига оид асосий категорияларнинг мазмун-моҳиятини ўзлаштириш (вужудга келиши, кечиши, ривожланиши, такомиллашуви)га кўрсатмалар бериш, амалий ва назарий билимлар уйғунлиги ҳамда узвийлиги ҳақидаги маълумотларни эгаллашга зарурий шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Мазкур асар социал психологияга кириш (тадқиқот предмети, методлари), муомала психологик категория сифатида, этнопсихология моҳияти (менталитетнинг социал-психологик негизлари), бошқарув психологияси (раҳбарнинг замонавий қиёфаси, қобилияти, фаолият услублари, шахслилик фазилатлари), оила психологияси (оила ва жамият, оилада шахслараро муносабатлар), кичик гуруҳлар психологияси (уларнинг ижтимоий-тарихий ривожланиши, таснифи, ўзига хос хусусиятлари, лидерлар масаласи, типлари, такомиллашнинг омиллари), социал психологияда феноменал ҳолатлар бўйича маълумотларни мужассамлаштирувчи қисмлардан ташкил топган.

Бизнингча, китобнинг баёний тили, материалларнинг ўзаро уйғунлиги, амалий ва назарий мушоҳадалар бирлиги, тадрижий-

лиги, мантиқийлиги каби принциплар ўртасидаги боғлиқлик талабаларга муаммолар моҳиятини тушунишга пухта негиз ҳозирлайди. Адабиётлар рўйхатининг берилиши талабаларни мустақил, ижодий фикрлашга йўналтиради, касбий мотивларни такомиллаштиради, комил шахс сифатида шаклланишига барқарор, мустаҳкам асос яратади, дунёқараш, иймон-этикод, юксак ҳис-туйғуларни таркиб топтиради.

Социал психология фани нисбатан ёш, лекин тез суръатлар билан ривожланиб келаётган, кўлами кенг, социал воқелиklar, ҳодисалар ва ҳолатларни ўзида мужассамлаштирувчи психологиянинг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг жадал ривожланишига икки муҳим омил, биринчидан, ижтимоий турмушнинг ҳамда ижтимоий амалиётнинг кун сайин ўсиб бораётган талаблари, иккинчидан, тобора ортиб, зарурият кўрсатувчига айланаётган эҳтиёжлари туртки (ички ёки ташқи мотив) сифатида гавдаланмоқда.

Ҳозирги даврда жамиятда юз бераётган ижтимоий-тарихий, иқтисодий-сиёсий, маданий-мънавий ўзгаришлар инсонларнинг психикасига, онгига, характериға, шахсий сифатлариға, этно-психологик хусусиятлариға кучли таъсир этаётганлиги туфайли шахслараро, миллатлараро, гуруҳлараро, ижтимоий муносабатларда ҳам сифат жиҳатдан юксак кўрсаткичли ўзгаришлар рўёбга чиқишини тақозо қилмоқда.

Модомики шундай экан, социал психологиянинг энг асосий вазифаси – бу мазкур ўзгаришларнинг социал-психологик механизмлари, қонунлари қонуниятлари, методологик асослари, омиллари, таъсир этувчи воситалари, ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида умумий кашфиётлар, таълимотлар яратишдир. Социал психологиянинг ривожланишиға таъсир этувчи яна бир сабаб – шахсни (“Мен” ни), миллий ўзликни ҳар томонлама, тизимли ёндашув ёрдамида ўрганишға нисбатан катта эҳтиёжнинг вужудға келишидир, шунингдек, уюшган ва уюшмаган, реал ва шартли гуруҳлар, жамоаларнинг аъзолари ўртасида кечадиган ижтимоий муносабатлар таъсирида уларнинг онги, интеллекти, имкониятлари, захиралари бўйича ҳамда жипслиги, яқинлашуви юзасидан маълумотлар тақчиллиги изланишни келтириб чиқаради. Социал психология ижтимоий муносабатлар натижасида юзаға келган

когнитив жараёнлар, эмоционал-ҳиссий, иродавий ҳолатлар, инсон фазилатлари, гендер тафовутлари, муомала мароми нафақат битта, якка шахсда, балки уларни турли гуруҳларда экстремал, казусли, каузал вазиятларда вужудга келиши, намоён бўлиши, кечиши, ўзгариши ва такомиллашувини тадқиқ этади, жамиятда амалга ошадиган ижтимоий муносабатларни инсон онгида социал-психологик жиҳатдан акс эттириш қобилиятларини, уқувчанлиги ва фуқароларнинг бир-бирларига руҳий таъсир этиш (таъсирланиш) йўл-йўриқлари ҳамда воситаларни англаш, кишилар хулқ-атворларини илмий асосда бошқариб туриш имкониятини беради.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида одамларнинг табиат, борлик, жамият тўғрисидаги тасаввурлари, тушунчалари ва билимларининг кўлами, фонди кенгайиб бориши натижасида социал психология давр талаби, тақозоси билан фан оламида вужудга келди. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида яшаган, яшаётган кишиларнинг хулқ-атвори, этносларнинг миллий қадриятлари, маданияти, маорифи, маънавияти, жамият тўғрисидаги орзу-истаклари, инсон қудратининг таъсирчан кучига нисбатан қизиқишлар қадимдан кўпгина мутафаккирларнинг диққат-эътиборини жалб этган. Одамларнинг ижтимоий муносабатлар таъсири остида намоён бўлаётган хулқ-атворлари моҳиятини ўрганиш ва уни баён этиш, тавсифлаш Аристотель, Платон, Гераклит каби буюк алломаларнинг илмий асарларида мужассамлашган.

Кўпгина фалсафий, психологик, илмий манбаларда таъкидлаб ўтилишича, социал психология фанининг вужудга келиши тарихи уч босқичга ажратилган ҳолда тадқиқ этилади, чунончи:

1. Фалсафа, психология фанлари доирасида социал-психологик тасаввурлар, воқеликлар, феноменал ҳолатлар тўғрисидаги билимларнинг тўпланиши.

2. Фалсафа, социология, умумий психология фанларидан социал психологияни мустақил, алоҳида илмий соҳа сифатида ажралиш даври – бу XIX асрнинг 70-йилларидан то XX асрнинг 20-йилларигача оралиқни камраб олади.

3. Экспериментал фанлар доирасида (қобиғида) социал психологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши.

Социал психология нуқтаи назаридан қадимги давр файласуфларидан бири Эраклид инсонларни икки гуруҳга ажратиб ўрганишни лозим топган, чунончи:

1. Ўз (шахсий) эҳтиёжларини бошқара оладиган одамлар гуруҳи.

2. Шахсий эҳтиёжларига бўйсунувчи одамлар гуруҳи.

Платон одамлар характерининг социал-этник таснифини яратган олимлар қаторига киради. Унинг тавсифига кўра, файласуфлар, жангчилар мардликка, хунармандлар, оддий кишилар йўлбошчиларга мойил бўладилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ижод қилган бир гуруҳ психологлар ҳамда социологларнинг социал психология ривожига қўшган ҳиссалари катта. Булар қаторига Г.Тард, Г.Лебон, Мак-Дугалл, Р.Дюркгейм, С. Сигеле кабиларни киритиш мумкин. 1908 йилда Мак-Дугаллнинг “Социал психологияга кириш” ва Э.Росснинг “Социал психология” китоблари нашр этирилиши социал психология расмий жиҳатдан вужудга келган сана деб эътироф этиш мумкин. Ҳар иккала олим ҳам социал психология фанининг предмети ва вазифалари социал ҳамда психик ривожланиш қонуниятларини умумлаштирган ҳолда ўрганишдан иборат деган ғояни таъкидладилар. Лекин улар иккита фаннинг вакиллари сифатида социал-психологик қонуниятларни тушунтириб беришга муваффақ бўлганликларига қарамасдан, ўзига хос ёндашувларнинг субъектлари эдилар. Одатда социологлар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни таҳлил қилганларида, кўпроқ жамиятдаги жараёнлар қонуниятларининг устуворлигига алоҳида эътибор қаратиб тушунтириб беришса, шахс омилини икки-уч босқич хусусиятларига боғлаб изоҳлаган психологлар етакчи ўринга қўйдилар.

Социал ҳодисаларни социал-психологик, умумпсихологик қобилиятлар, истеъдодлар, феноменал лидерлар ўзига хослиги билан тушунтириб бериш учун ягона принципни топишга фуқаролар ўртасида, шахс билан жамият ўртасида рўй берувчи муносабатларни ҳар томонлама изоҳлашга, тушунтиришга, тавсифлашга ҳаракат қиладилар. Улар ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунларини, ижтимоий-иқтисодий қонуниятларни кишиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларидан, уларни англаб етмайдиган инстинктлардан, ирсий белгилардан келтириб

чиқармоқчи бўладилар. Шу жумладан, Г.Тард кўпгина ижтимоий муносабатларни одамларнинг бир-бирларига тақлид қилиши орқали тушунтирган бўлса, Г.Либон бу ҳодисани руҳий таъсирланиш орқали юзага келишини таъкидлайди. Мак-Доугалл эса “ижтимоий хулқ-атвор ва инстинктлар назарияси”ни яратиб, уларда одам инстинктлари ва фаолият уйғунлигини таъминлаш муаммосини ишлаб чиқади. Қарашлари ва назариялари таҳлил қилинган олимлардан кейинги авлод тадқиқот субъектлари ҳам ижтимоий муносабатларни тушунтириб беришга қодир умумий, лекин ягона омилни топишга, саъй-ҳаракатларни амалга оширишга уринганлар. Масалан, Л.Уорт эса мазкур омил деб шахснинг хоҳиш-истагини танлайди. Бу йўналишда изланишлар олиб борган Сигеле бўлса, “шахснинг омма ичида баробарлашиб қолиши, яъни шахслараро тафовутлар силлиқлашуви” омилини кўрсатади.

Социал психология фанининг куйидаги илмий тадқиқот методлари кўпчилик психологлар томонидан тан олинади:

– кузатиш (ўзини ўзи кузатиш, аралашиб кузатиш, яширин кузатиш ва бошқалар);

– эксперимент (индивидуал, гуруҳий, диадавий, полиадавий, кўп босқичли ва ҳоказо);

– анкета (очик, ёпиқ, вербал, новербал, шкалали кабилар);

– сўровнома (савол-жавоб);

– суҳбат (қисқа ва узоқ муддатли, маълум мавзуга йўналтирилган);

– интервью (расмий ва норасмий);

– тест (раҳбарнинг, ходимларнинг шахсиятига, характерологик хусусиятларига, эмоционал-иродавий сифатларига, когнитив жараёнларига йўналтирилган стандарт тажриба-синов);

– социометрия (гуруҳий жипслик, ўзаро яқинлик, лидерларни танлаш жараёнларига хизмат қилувчи метод; унинг кўплаб модификациялари ишлаб чиқилган);

– биография (алоҳида шахс, субъект ижоди ва фаолияти тўғрисида маълумотлар тўплашга хизмат қилади; унинг вариантлари: мемуар, эсдаликлар, ижод таҳлили);

– контент-таҳлил.

Биринчи боб. СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ

1.1. Социал психология предмети тўғрисида умумий тушунча

Социал психологиянинг тадқиқот предмети гуруҳ ва жамоаларда шахсларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келадиган психик ходисаларни ўрганишдан иборат. Фикрни кенгрок қилиб айтганда, социал психологиянинг тадқиқот предмети турли хусусиятли, уюшган ва уюлмаган социал гуруҳлардаги одамларнинг ўзаро, шахслараро муносабатларини тадқиқ этишдир. Социал психология ижтимоий кайфиятни, тақлид қилиш ходисасини ва тақлидга ёндош, ўхшаш «психологик юқиш» (модалар, хурофий одатлари, шов-шув гап тарқалиши, ваҳима, овоза ва хоказо кўринишдаги) ҳолатларни ўрганади. Ҳозирги даврда психологлар билан бирга социологлар, педагоглар, этнографлар ва бошқа соҳанинг мутахассислари ҳам социал психология муаммолари билан шуғулланмоқдалар. Социал психологиянинг соҳаларидан бири – бу дин психологиясидир. Дин психологияси диний тасаввурлар ва ҳиссиётларни, хурофотларнинг келиб чиқиши ҳамда уларни бартараф қилишнинг психологик шарт-шароитлари, механизмлари, манбалари ва ҳиссий кўтаринкилик (зикр) юзасидан изланишлар ўтказадилар.

Социал психологияда шахсларнинг фазовий жойлашувига биноан икки типдаги гуруҳларга тааллуқли эканлиги таъкидланади: улар шартли ва реал гуруҳлар деб номланади. Одамларнинг тадқиқотчи томонидан маълум белгиларига, тузилиш шаклига, моҳиятан жипс ёки жипс эмаслигига асосланган ҳолда ажратиб олиш йўли билан бирлаштирилган гуруҳ шартли гуруҳ деб аталади. Бунда одамларнинг ёш хусусиятлари, жинсий, миллий, касбий ёки қандайдир бошқа аломатларига (белгиларига) қараб гуруҳларга ажратиш мумкин. Шартли гуруҳга қўшилган шахслар (кирган, мувофиқлашган одамлар эмас, балки айни даврда қўшилган шахслар) на бевосита, на билвосита объектив

равишда ўзаро (шахслараро) муносабатларда бўлмайдиган ва улар бир-бирлари билан ҳеч қачон тўлиқ тарзда учрашмайдигина эмас, балки уларнинг алоҳида субъектлари тўғрисида, ҳатто ҳеч нарса бўлмайдилар ҳам. Лекин улар ўзларининг реал гуруҳларга қарашли (тегишли) бошқа аъзолари билан озми ёки кўпми бундан қатъи назар бир хил муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам улар шартли гуруҳларга бирлашиб, социал психологиянинг тадқиқот объектига айланиб қоладилар. Масалан, боғча ёшидаги болалар психологиясини тадқиқ этиш учун, яъни шартли ёш гуруҳларида таҳсил олаётган, тарбияланаётган субъектларни (респондентларни) тадқиқ қилиш учун тегишли ёшдаги (ёш даврдаги) бир қатор боғча тарбияланувчиларини мавжуд реал гуруҳларида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Умуман, маълум фазо (макон) ва вақтда (замонда) мавжуд бўлган ҳамда реал шахслараро муносабатлар йўли билан расмий (ички ва ташқи тузилмага эга) бирлашган одамлар гуруҳи реал гуруҳ деб юритилади. У ёки бу аниқ синф ўқувчилари, жамоат ташкилотлари аъзолари, сиёсий партия, «Камолот» ёшлар ҳаракати, шунингдек, педагогик жамоа, ишлаб чиқариш бригадаси, ҳарбий бўлим, оила – буларнинг барчаси реал гуруҳлардир. Социал психология фани учун булар катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Агар улар ўрганилмас экан, бунда реал гуруҳларни тадқиқ этишнинг мазмун-моҳияти пасаяди.

Одамлари жтимоий-тарихий тараққиёти давомидаги дастлабки, биринчи гуруҳлар – бу меҳнат гуруҳлари бўлиб ҳисобланади. Инсониятнинг ҳамкорлик фаолиятининг вужудга келиши туфайли шахслараро муносабат, муайян даражадаги ўзаро меҳнат тақсимоти ва умумий, гуруҳий ҳаракат асосида бирлашув, ўзаро яқинлашув, ўзаро ёрдам, ҳаракатларда уйғунлик, ўзаро тушунув, сояда кўринишдаги психологик муҳит ҳамда биргаликдаги меҳнат фаолиятининг назоратчиси, бошқарувчиси – лидер пайдо бўла бошлаган. Меҳнат самарадорлиги, жисмоний ва маънавий шериклик, уларни такомиллаштириш ташкилотчисига нисбатан табиий эҳтиёж, ижтимоий зарурат юзага келган. Шу шахснинг ташаббуси билан қоидавий, меъёрий хулқ-атвор рўёбга чиқа борган, аста-секин ўзаро мутаносиблик, ҳаракатлар динамикаси намён эта бошлаган, натижада бирдамлик қарор топган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/219> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/219> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/219>